

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ ТИЗИМИДА ЭСТЕТИК ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ**Назарова Иродахон Зайниддиновна***Фарғона давлат университети, Санъатшунослик факултети**“Муסיқий таълим ва маданият” кафедраси ўқитувчиси.*

Annotatsiya: *тақоллада миллий ва умуминсоний қадриятлар жамиятимиз ҳаётида мавқеи ва мақомининг ортиб бориши жараёнида, эстетик-дунёқараш мақсадда эркин тафаккур, демократик ва фуқаролик маданияти, шуниндек санъаткор дунёқараш, унинг ижтимоий фаоллиги, бадиий маданият соҳасида янгича ғоявий-услубий, ижодий-эстетик қарашлар қарор топишига жиддий таъсир кўрсатаётганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.*

Калит сўзлар: *жамият, маънавият, маданият, тарбия, шахс, қадрият, эстетика, дунёқараш, анъана, санъат, мерос, авлод-аждодларимиз, рақс, артист.*

Маънавий тарбия жараёнининг йўналишларидан бири эстетик тарбия ҳисобланади. Эстетик тарбия шахсда эстетик онг, эстетик идеаллар, эстетик дид, эстетик фаолиятни шакллантиришга қаратилган тарбиянинг тури бўлиб, унинг мақсади шахсда гўзалликни англаш ва унга тўғри муносабатни шакллантиришдан иборат. Жамият тобора тараққий этиб, унда демократик жараёнлар тобора кенгайиб боргани сари жамият аъзоларининг гўзалликка интилиши, ундан баҳраманд бўлиш, эстетик маданиятини ошириб бориш ҳамда ўз фаолиятининг эстетик жиҳатларига эътибор қаратиши юксалиб боради.

Ҳозирги кунда тарбия жараёнини амалга ошириш мураккаб кечмоқда. Тараққиётнинг ўта динамик хусусияти, миллий маданият, санъат ва қадриятлар трансформацияси, глобаллашув натижасида тарқалаётган янгича эстетик маҳсулотлар, оммавий маданиятнинг салбий таъсири, ёшларда эстетик идеаллар ва эстетик диднинг соддалашиб бориши каби ҳолатлар ва гўзаллик тўғрисидаги тасаввурларнинг ҳам миллий хусусиятини тобора йўқотиб, ўзгариб бориши бой моҳиятга эга бўлган миллий маданият ва қадриятларни тўла акс эттирадиган эстетик тарбияга таъсир этаётгани аниқ. Эстетик тарбияни мураккаблаштираётган замонавий омилларга замонавий кино Интернет, телевидение, ОАВ кабиларда оддий бадиий асарларнинг кўпайиб бориши кабиларни киритиш мумкин.

Инсоннинг моҳиятига эътибор берсак, унда туғма гўзалликни севиш, унга интилиш ва гўзалликни яратишга мойиллик бўлиб, унинг бутун ҳаёти давомида бундай хусусият намоён бўлади. Боланинг туғилганидан бошлаб ҳар қандай ҳатти-ҳаракатида гўзалликка интилиш ва уни севиш элементлари кўзга ташланади. Шахснинг мунтазам гўзалликка интилиши ва бу йўлда фаолият олиб бориши учун маълум шароитлар ва имкониятлар мавжуд бўлиши лозим. Ўзбекистонда

модернизация жараёнининг кенгайиб бориши, ислоҳотларнинг амалга ошиши, барча сохаларда янгиланишнинг юзага келаётганлиги натижасида инсон тараққиёти учун юзага келаётган имкониятлар уларни тобора гўзалликни англаш, эстетик маданиятни ўзлаштириб бориш, эстетик дидини янада тарбиялаб бориш томон йўналтиради. Жамият аъзоларининг ҳар қандай фаолиятида эстетик элементларни янада яққол кўринишига ва ривожланишига олиб келади.

Шахснинг ҳар томонлама баркамол шахс сифатида тарбиялаш жараёни маънавий тарбиянинг юқорида қайд этилган барча йўналишлари асосида амалга оширилиши зарур. Бу жараёнда маънавий тарбиянинг муҳим элементи эстетик тарбия ҳисобланади. Айниқса, ёшларнинг баркамол шахс сифатида маънавий тарбиясида уларнинг гўзалликни англаб, унга ошно бўлиб бориши муҳим аҳамиятга эга. Чунки айнан эстетик тарбия тарбиянинг бошқа шаклларига нисбатан шахснинг диди, эстетик идеаллари, гўзаллик яратиш борасида фаолиятига катта таъсир кўрсатади.

Тарбия соҳасида тадқиқотлар олиб бораётган айрим мутахассислар унинг учта таркибий қисмдан иборат эканлигига урғу берадилар:

- ҳиссиёт тарбияси;
- ирода тарбияси;
- ақлий тарбия.

Фикримизча, бу қаторга шахсда дид тарбиясини ҳам қўшиш мақсадга мувофиқ бўлади. Тарбиянинг юқорида қайд этилган қисмлари айнан эстетик тарбияда мавжуд бўлиб, уларнинг биргаликда мавжуд бўлиши тўлақонли тарбияни амалга оширишга имкон беради. Мисол учун, сиёсий ёки ҳуқуқий тарбия тўғрисида бу фикрларни айта олмаймиз. “Бир қатор илмий тадқиқотлар натижаси кўрсатишича, меҳнат жамоаларида хизмат ва шахсий муносабатлар эмоционал жиҳатдан соғлом бўлса, бу ерда меҳнат унумдорлиги юқори ва кадрлар қўнимсизлиги паст даражада бўлар экан. Шунинг учун, жамиятда шахслараро ижобий муносабатларнинг устувор бўлишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бунга эришиш учун адабиёт ва санъат, мусиқа, телевидениенинг имкониятидан кенг фойдаланиш лозим. Одамлар онгига кучли таъсир ўтказиши мумкин бўлган мазкур воситалар шахсда табиатга, одамларга, санъатга ижобий муносабатни шакллантиришга хизмат қилади”.

Маънавий тарбиянинг барча йўналишлари шахснинг маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган бўлиб, у мураккаб хусусиятга эга, эстетик тарбия ҳам бундан мустасно эмас. Эстетик тарбия моҳиятига кўра санъатни англаш, эстетик дид ва идеални шакллантириш, оламга эстетик муносабат каби ҳодисаларни ўз ичига олади. Эстетик муносабат маънавий муносабатнинг элементи бўлиб, бу жараёнда муҳим роль ўйнайди. Эстетик туйғулар юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлган кишиларга хос бўлиб, уларнинг ижодий салоҳиятининг тараққиётига таъсир этади.

Инсонларнинг оламга эстетик муносабати уларда эстетик фаолият кўникмаларини шакллантиради ҳамда ижодий ёндашувга йўналтиради.

Маънавиятнинг глобаллашиб бориши ҳамда бунинг натижасида оммавий маданиятнинг ёшлар маданиятига таъсири ортиб бораётган ҳолатда жамиятда эстетик тарбиянинг аҳамияти янада муҳим бўлади. Жамиятда модернизация ва ислохотлар амалга оширилаётган ҳамда миллий маданият ва санъатнинг демократлашиб ва трансформацияга учраб бораётган шароитда эстетик тарбиянинг роли янада долзарб бўлади.

Эстетик тарбияни амалга ошириш жараёнида эстетик онгнинг қуйидаги элементларига эътибор қаратиш лозим. Бунга биринчидан, эстетик ҳодисалар, санъат тўғрисидаги билимлар, турли назариялар, категориялар, ғоялар киради. Иккинчидан, эстетик тарбиянинг муҳим элементи ҳисобланадиган шахснинг бадиий асар ва бошқаларнинг санъат соҳасидаги ижодига ўз муносабатини ифода этувчи бўлган эстетик танлови, эстетик баҳо, эстетик диди ва ижодий идеаллари билан боғлиқ тасаввурлар киритилиши мумкин. Бу жараёнда шахс томонидан эстетик объектлар, эстетик ҳодисалар ҳамда ижод объектлари баҳоланади. Шу билан бирга уларни баҳолаш асосида шахс ўзининг эстетик диди, танлови ва қадриятларини ҳам баҳолайди. Эстетик баҳолаш орқали инсон ўзининг ҳам маънавий-эстетик хусусиятларини аниқлайди ва ўз-ўзига баҳо беради.

Эстетик тарбиянинг учинчи муҳим жиҳати шахсда эстетик туйғулар, эстетик завқ, лаззат, санъат асарларига эстетик муносабат билдириш орқали бу соҳада шахснинг дидини шакллантириш, ўзгартириш ёки тартибга солиш билан боғлиқ. Эстетик тарбиянинг бу жиҳати шахснинг маънавий-эстетик онгини тарбиялаш билан бирга унинг эстетика, хусусан санъат соҳасида шаклланадиган ахлоқий қоидаларини ҳамда идеалларини тартибга солиб туради. Шахс ўзининг миллий эстетик қадриятлари орқали бошқа халқларнинг эстетик қадриятларига ҳам муносабатини шакллантириб боради. Натижада унинг маънавий-эстетик онгида миллий қадриятларга ва унинг тизимидан муҳим ўрин эгаллаган эстетик қадриятларни тўғри аксиологик англаш шакланади. Бу эса маънавий соҳада шахсда миллий ва умуминсоний эстетик қадриятларнинг ҳамда миллий ва умуминсоний санъатнинг ўйфунлашувига мос равишда тўғри муносабатни амалга ошириши мумкин. Шундай қилиб шахс турли халқлар ва миллатлар томонидан яратилган ва яратилаётган маданият ва санъат элементларини тобора кўпроқ тушуниб ва англаб бориши амалга ошади.

Эстетик тарбиянинг тўртинчи муҳим жиҳати шундан иборатки, у шахсда санъатга, гўзалликка ва бадиий ижодга нисбатан тўғри муносабат билан бирга муҳим эстетик ва ижодий эҳтиёжларни шакллантиришга қаратилган. Булар шунчаки эҳтиёжларгина эмас, англаган эстетик эҳтиёжларга айланиб боради. Бундай эҳтиёжлар шахсда юксак эстетик дид ва эстетик идеалларни шаклланишига олиб келади. Тарбиянинг эстетик шаклига оид айтиб ўтилган фикрлар бирдек жамиятда

баркамол шахсни шаклланишига ҳам тегишли. Чунки эстетик тарбия баркамол шахс тарбиясининг муҳим йўналиши бўлиб, унинг жамият маънавий тараққиётига ҳам таъсири улкан. Айниқса, бу жараён ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Янги Ўзбекистон жамиятида унга хос бўлган ва янги жамиятнинг талаблари ва эҳтиёжларини акс эттирувчи, янгича моҳиятга эга бўлган маънавий маданият шаклланиши ва тараққий этиши зарур. Жамиятнинг маданий ва маънавий тараққиёти, маданий-маънавий бойлиги, унинг аъзоларининг ҳам маънавий юксак бўлиб шаклланишини таъминлайди. Унинг муҳим йўналиши сифатида эстетик маданият, эстетик онгнинг шаклланиши мамлакатнинг ижтимоий-маданий ва маънавий тараққиётига хизмат қилади. Бу жараёнлар кишиларнинг эстетик билимлари, эстетик салоҳиятининг юксалиши, эстетик идеалларининг тўғри шаклланиши кабиларга самарали таъсир этади ва юксак санъат асарларининг яратилиши, эстетик кадриятларнинг танлай билиши асосида миллий эстетиканинг ҳам ривожига олиб келади. Айниқса, ёшларнинг эстетик тарбияси жараёнида қайд этилган ҳодисаларнинг аҳамияти катта. Чунки эстетик тарбия фақат санъат соҳасигагина эмас, кундалик турмуш тарзи, маданияти, ижтимоий – кундалик фаолиятига ҳам тегишли бўлиб, гўзалликка тўғри муносабатни шакллантирувчи ҳодиса ҳисобланади.

Инсон ўз ҳаётида уни ўраб турган оламни турлича ўзлаштиради ва англаб боради. Бундай муносабатнинг турлича шакллари мавжуд бўлиб, улар илмий, ахлоқий, диний, бадиий (эстетик) ва бошқа муносабатларда акс этиши мумкин. Оламга эстетик муносабат бошқалардан фарқ қилади. Эстетик тарбия жараёнида эстетик онг шаклланади. Эстетик онг ўзига хос мураккаб тизим бўлиб, унинг қуйидаги элементларига эътибор қаратилади: эстетик маданият, эстетик фаолият, эстетик онг, эстетик билимлар, эстетик кадриятлар, эстетик идеал, эстетик дид, эстетик ҳис-туйғу.

Эстетик маданият – маданиятнинг муҳим йўналиши бўлиб, жамият ва инсоннинг ҳаётида, эстетик фаолиятида акс этадиган борлиқни гўзаллик нуқтаи назаридан эстетик ўзлаштириш, эстетик маданият элементларини ва кадриятларни яратиш ва истеъмол қилиш усулларини ва кўникмаларини ифода этувчи ижтимоий ҳодиса бўлиб, унда гўзалликка, мукамалликка ошно бўлиш асосида эстетик билимлар, кадриятлар, тасаввурлар, эстетик ҳис-туйғу, эстетик дид ва ғояларнинг мажмуасини акс этади.

Эстетик фаолият – инсоннинг табият, жамият ва ижтимоий борлиқни ўзлаштириш асосидаги ижоди давомида гўзалликнинг турли шакллари яратишга, уни ўзлаштиришга ҳамда гўзалликка бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган ижтимоий-эстетик фаолиятини ифода этади.

Эстетик билимлар – инсонни ўраб турган оламнинг эстетик жиҳатларига онтологик, гносеологик, аксиологик муносабат асосида юзага келган тасаввурлар, билимлар ҳамда ахборотлар тўплами.

Эстетик дид – инсоннинг барча ҳатти-ҳаракатлари, ижтимоий ва ижодий фаолияти, кундалик маданияти ва турмуш тарзида, фикрларида, яратган ижодий асарлари ва маҳсулотларида акс этаётган гўзалликни идрок этиши, бераётган баҳоси, танловини ифода этувчи ижтимоий-эстетик ҳодиса.

Эстетик лаззатланиш – инсоннинг борлиқда акс этадиган гўзалликка ҳиссий ёндашув асосида юзага келадиган ёқимли қониқиш, завқ олиш ёки унинг акси сифатида юзага келадиган ҳодисани ифода этади.

Дунёда истиқомат қилаётган барча халқлар ва миллатлар ўзига хос маданияти ва санъати тарихига эга бўлиб, бу тарихий жараён уларнинг ҳаёти, турмуш тарзи, анъаналари, қадриятлари ва кундалик урф-одатларини акс эттиради. Демак, маданият ва санъат жамият ва унда яшаб фаолият олиб борган турли кишиларнинг ижтимоий ҳаётини акс эттиради. Санъат ҳодисаси ижтимоий хусусиятга эга ҳамда кенг қамровли тарихий ҳодиса бўлиб, унинг турли шакллари ва қирралари мавжуд. Санъат турли халқлар ва миллатлар ижтимоий ҳаётининг моҳиятини акс эттиради ва жамият ҳаётининг ўзгариб бориши билан бирга ўзгариб, трансформацияга учраб боради. Шунга кўра у диалектик хусусиятга эга бўлган ижтимоий-маданий ва эстетик-аксиологик ҳодиса ҳисобланади.

Санъатнинг муҳим ўзига хос шакли рақс ҳисобланади. Рақс санъатнинг бошқа турлари каби жамиятда асрлар давомида амалга ошиб келган иқтисодий, сиёсий, маданий, аксиологик, эстетик, диний ва бошқа муносабатларнинг моҳиятини ва хусусиятларини акс эттиради. Рақс санъати жамият ва унинг аъзолари ҳаётининг ажралмас ижтимоий ва эстетик ҳодиса сифатида намоён бўлиб келган. “Ҳар бир рақс бошқаларига қайсидир жиҳатлари билан ўхшаши ва айрим томонлари билан мутлақ фарқ қилиши табиийдир. Азал-азалдан рақс ўзида жон ва танани акс эттиради, яъни инсон қалби ўз севинчини, тана эса ўз қувватини ифодалайди. Инсон қалбидаги кечинмаларни тана ҳаракатлари билан кўрсатиш ҳар қандай рақснинг 41 мақсадини ташкил этади”. Демак, рақс санъати жамият, кишилар ҳаётининг муайян тарихий даври ва унга хос бўлган хусусиятларини акс эттиради. Шунга кўра у ижтимоий хусусиятга эгадир. Санъат ва унинг қирраларини ўрганиш жамиятда ёш авлодни баркамол шахс сифатида тарбиялашга замин яратувчи санъатнинг муҳим шакли ҳисобланади.

Ҳозирги даврда ижтимоий-маданий ва маънавий ҳаётнинг тез суръатлар билан ўзгариб бориши замонавий санъат ва унинг шаклларининг ҳам кучли трансформациясига сабаб бўлмоқда. Миллий рақс санъати ҳам бу объектив жараёнлардан четда қолаётгани йўқ. Санъат соҳасида юз бераётган объектив ўзгаришлар натижасида юзага келадиган муаммолар бошқа ижтимоий муаммолар сингари давлатимиз етакчиси Шавкат Мирзиёевнинг диққат эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 февралда эълон қилинган “Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш

тизимини тўздан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида “таълим жараёнига замонавий педагогик ва инновацион технологияларни, маданият ва санъат соҳасида илм-фан бўйича эришилган илғор ютуқларни татбиқ этиш” вазифаси белгилаб берилган. Бу масала нафақат санъатшунослар, файласуфлар, маънавиятшунослар, санъатшунослар зиммасига муҳим вазифаларни юклайди. “Ҳар бир миллий рақс унга мансуб халқнинг миллий хусусиятларини акс эттиради ва халқ мусиқаси ҳамда қўшиқлари билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Миллий рақс – халқ томонидан яратилади ва унинг маданий тараққиётида муҳим аҳамият касб этади”.

Рақс санъати миллий менталитетга хос ҳолатда шаклланган бўлиб, уларда акс этаётган ёрқин жилолар ва ҳаракатларнинг нозиклиги, кўтаринки руҳи, уларда гўзал тантанаворлик ва яратувчанлик хусусиятининг уйғун тарзда акс этиши, имо – ишорали гўзал ҳаракатларнинг тартибли ифода этиши каби жиҳатлари кишини ўзига тортади. Ўзбек миллий рақслари тарихан сайқалланиб фольклор ва миллий халқ санъатининг нозик жиҳатларини томошабинга етказиб беради. Мисол учун туркийларда дарвешлар рақси кенг тарқалган бўлиб, унда дунёнинг ва инсониятнинг чархпалак бўлиб айланиши, борлиқнинг барча элементлари, инсоннинг ҳам руҳий айланишида ифода этади. Дарвешларнинг бирга бўлиб ёнма-ён умумий айланишида эса уларнинг ягона бўлиб биргаликда мавжудлиги ифода этади. Рақс давомида оламнинг, борлиқнинг мунтазам ҳаракати, айланиб туриши чарх айланиш, доира ва айлана сифатида баъзан секин ва баъзан кучли, шиддатли ҳаракатлар орқали ифода этади.

Даврлар ўтиши ва ижтимоий ҳаётнинг ўзгариши билан рақс ижро этиш ҳамда ундаги ҳаракатлар ҳам ўзгариб бдорган. Рақс ўз даврида юзага келган янги анъаналар, урф-одатлар, кундалик ҳаётининг фаолият ва меҳнат фаолияти соҳасидаги янгиликларни, кишиларнинг қадриятларини ифода этиб борган. Рақс санъатининг янги шакллари пайдо бўлган. Мисол учун, эраклар ва аёлларнинг ўзига хос муносабатларини ифода этувчи вальснинг юзага келишини олиш мумкин. Жамият ижтимоий ва маданий-маънавий ҳаётининг тараққий этиб бориши натижасида рақс санъати ҳам тобора мураккаблик хусусиятини акс этиб борган ва кишиларнинг миллий турмуш тарзи, маданияти, феъл-атвори, урф – одатлари ва кундалик ҳаёти, қадриятлари ва бошқа жиҳатларини акс эттирувчи санъатнинг муҳим турларидан бирига айланган. Турли халқлар ва миллатлар рақс санъатининг турли-туманлиги уларнинг ижтимоий ҳаётининг турличалигидан келиб чиқади. “... рақс тушунчаси умуминсоний ҳодиса сифатида барча халқларда мавжуд бўлса-да, аммо турли маданият вакиллари томонидан воқеликни идрок этишнинг ўзига хос хусусияти туфайли у ҳар хил кўринишда намоён бўлади”.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Mannopov, S., Najmetdinova, M., Ataboeva, S., Nazarova, I., & Mo'yidinov, J. (2021). Analysis of Research on Aesthetic Features of Uzbek Folk Music. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry, 12(10).
2. Sultonali Mannopov, A., Abdusalom Soliev, U., & Tokhir Shokirov, R. (2021). Development of Uzbek National Singing Art during Independence. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 6845-6853.
3. Имямин Қирғизов, Имомова Одинахон //ЁШ АВЛОДНИНГ МАЪНАВИЙ – АХЛОҚИЙ КАМОЛОТИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК РАҶИМАХОНИМ МАЗОХИДОВА ТИМСОЛИДА САНЪАТКОР ХОТИРАСИ// SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 1 ISSUE 7. October 2022. 108-117 pages.
4. Nazarova, I.Z. (2022, May). FACTORS IN THE ART OF NATIONAL DANCE IN YOUTH EDUCATION. In International Scientific and Current Research Conferences (pp. 38-40).
5. Назарова, И. (2023). МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ РАҚС САНЪАТИНИНГ АМАЛИЁТДАГИ МЕЗОНЛАРИ. Евразийский журнал академических исследований, 3(8), 144-149.
6. Nazarova, I. (2023). HISTORICAL STAGES OF UZBEK NATIONAL DANCE ART . International Conference on Multidisciplinary Research, 1(4), 49-54.
7. Nurmamatovich, S. T. (2023). МУҚАДДАС ИСЛОМ ДИНИМИЗДА МУСИҚАГА МУНОСАБАТ. Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities, 11(5), 1176-1184.
8. Шокиров, Т. (2023). МАҚОМ ЯККА ХОНАНДАЛИГИДА ОВОЗЛАР ВА АНСАМБЛДА КУЙЛАШ. Наука и инновация, 1(8), 141-145.
9. Шокиров, Т.Н. (2022). МИЛЛИЙ МУСИҚА МАДАНИЯТИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ (фольклор, дostonчилик, мақом мисолида). Science and innovation, 1(С3), 31-38.
10. Шокиров, Т.Н. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ МУСИҚА ИЛМИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(10-2), 353-359.
11. Shakirov, T. N. (2022). SUCCESSION IS THE MAIN PRINCIPLE OF DEVELOPMENT OF NATIONAL MUSIC CULTURE. Oriental Journal of Social Sciences, 2(06), 1-10.
12. Шокиров, Т.Н. (2023). АНЪАНАВИЙ ХОНАНДАЛИК ИЖРОЧИЛИГИДА ОВОЗЛАР ВА АНСАМБЛДА КУЙЛАШНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3(5), 1004-1010.
13. Шокиров, Т.Н. (2022). ВОРИСИЙЛИК ВА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(10-2), 457-464.

14. Shokirov Tokhirjon Nurmamatovich //THEORETICAL OF NATIONAL MUSIC CULTURE FUNDAMENTALS// European Scholar Journal (ESJ). Vol. 2 №.9, SEPTEMBER 2021. 37-39 pages.
15. Najmetdinova, M. (2023). YOSHLAR AXLOQIY TARBIYASINI YUKSALTIRISHDA OMMAVIY-MADANIY TADBIRLARNING FALSAFIY TAHLILI. Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры, 3(6), 17-24.
16. Нажметдинова, М. (2023). ФАРФОНА ХАЛҚ ТЕАТРАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ МАСАЛАСИГА ДОИР. Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры, 3(8), 61-65.
17. Najmetdinova, M.M. (2023). YOSHLARNING ESTETIK TARBIYASINI SHAKLLANTIRISHDA–AJDODLAR MEROSINING TUTGAN O’RNI. Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities, 11(5), 1185-1191.
18. Нажметдинова, М., & Жўрабоева, Х. (2023). МАҚОМ САНЪАТИ ВА УНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШИГА ТАЪСИРИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3(2), 813-817.
19. Турсунова, Л. (2023). ЁШЛАР МУСИҚА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ОМИЛЛАРИНИ ҲАЁТГА ТАДБИҚ ЭТИШ. Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры, 3(5 Part 2), 23–34.
20. Турсунова Лайло Ергашевна. (2023). МУСИҚА МАДАНИЯТИ ТУШУНЧАСИ МАЗМУН-МОҲИЯТИ, ТАРКИБИ ВА КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ. THEORETICAL ASPECTS IN THE FORMATION OF PEDAGOGICAL SCIENCES, 2(17), 20-23.
21. Kirgizov, I., Kirgizov, I., Najmetdinova, M., & Atabayeva, S. (2022, February). THE GENESIS OF THE DEVELOPMENT OF MUSIC CULTURE. In Archive of Conferences (pp. 57-60).
21. Kirgizov, I., Imyaminovich, K. I., Nurmuhammedjanov, A., Sotvoldievich, S. B., Mamasodikovna, N. M., & Juraevna, A. S. (2021). The Pleasure of Singing, Listening and Understanding Navoi. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 2410-2413.
22. КАМБАРОВ АБДУМУТАЛ АХАДЖОНОВИЧ, НАЖМЕТДИНОВА МАВЛУДА МАМАСОДИКОВНА //НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ РЕЛИГИОЗНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В ФОРМИРОВАНИИ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ МОЛОДЕЖИ// УСЛОВИЯ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА: ИСТОРИЯ И СОВРЕМЕННОСТЬ. Материалы международной научно-практической конференции. 26 апреля 2019 года. 148-151 стр.
23. Камбаров А.А. //Религиозные ценности – прочная основа в формировании гармоничной личности// Вестник Северо-Восточного федерального университета им. М.К.Аммосова. Серия «Педагогика. Психология. Философия». 2022;(3):78-84.
24. Qambarov Abdumutal Axadjonovich //TRANSFORMATION OF SCIENTIFIC AND RELIGIOUS VALUES THE NECESSITY OF EDUCATING AN ENLIGHTENED GENERATION

THROUGH// European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA). Vol. 2, No. 11, November 2021. 150-152 pages.

25. Қамбаров Абдумутал Аҳаджоновиқ //ПОСТМОДЕРН ДУНЁДА ИЛМИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА МУНОСАБАТ ҲАМДА УНИНГ ДИАЛЕКТИК АСОСЛАРИ// НамДУ илмий ахборотномаси. 2020 йил, 9-сон. 158-165

26. Kambarov Abdumutal Ahhadjonovich //ATTITUDE TO SCIENTIFIC AND RELIGIOUS VALUES IN THE POSTMODERN WORLD AND ITS DIALECTICAL FOUNDATIONS// Scientific Bulletin of Namangan State University: Vol. 2: Iss. 9, Article 27. 158-165

27. Qambarov Abdumutal Axadjonovich, Najmetdinova Mavluda Mamasodiqovna //MARGILAN LARGE ASHULA SCHOOL// European Scholar Journal (ESJ). Vol. 2 № 5, MAY 2021. 279-283 pages.